



ARTICLE INFO

Received: 03rd January 2023

Accepted: 12th January 2023

Online: 14th January 2023

KEY WORDS

Композиция, инновацион
технологиялар, таълим,
метод, восита, таълим
тизими, ижодкор, таълим
амалиёти

ОЛИЙ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА “КОМПОЗИЦИЯ” ФАНИ МАЗМУНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Хасанова Муниса Зиёдулла қизи

Низомий Номидаги ТДПУ Тасвирий санъат кафедраси катта

ўқитувчиси. Телефон: +998 (90) 980 29 14

hasanovamunisa99@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7536244>

ABSTRACT

Таълим кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг муҳим жабҳаси, асосий омилларидан бири сифатида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам таълим сифати ва самарадорлигини муттасил тарзда жамиятнинг талаб ва эҳтиёжлари даражасида сақлаш учун таълим соҳасида муайян ислохотлар, ўзгаришлар амалга ошириб борилади. Бироқ ривожланиш учун тақдим этилаётган қўшимчалар, янги мазмун ва ёндашувлар муайян талабларга жавоб бериши лозим. Таълимда бу омил педагогик талаблар асосида амалга оширилади.

Ҳар қандай соҳанинг ўзига хос талаблари, кенг маънода амал қилинадиган қонуниятлари, тор маънода тартиблари мавжуд. Таълим соҳаси бундан мустасно эмас. Зеро, мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир босқичи, тури учун Давлат талаблари ҳамда Давлат таълим стандартлари мавжуд бўлиб, таълимнинг бош мақсади стандарт талабларини бажариш билан боғлиқ. Айни пайтда алоҳида эътироф этиш жоизки, жамият муттасил ривожланиб борар экан, унинг соҳалари ҳам барча жабҳаларда ҳамоҳанг тарзда тараққий этиб боради. Бу омил, айниқса, таълимда алоҳида долзарблик касб этади. Бизнинг мисолимизда, яъни олий педагогик таълимда “Композиция” ўқув фани мазмунини такомиллаштиришда умумдидактик ҳамда айнан тасвирий санъатга, хусусан, композицияга оид педагогик талаблар мавжуд бўлиб, бу жараёнда шу талабларга қатъий риоя қилиниши лозим.

Педагогик талабларни икки турга бўлиш мумкин. Биринчиси умумдидактик талаблар бўлиб, бу талаблар таълимнинг барча соҳаларига, барча ўқув фанларига бирдек алоқадорлиги билан тавсифланади. Иккинчиси бевосита соҳага оид бўлиб, унда амал қиладиган талаблар айнан шу ўқув фанининг хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади. Шу тариқа “Композиция” ўқув фани мазмунини такомиллаштириш учун ўқув материалларини танлаб олишда, биринчи навбатда, дидактик талабларга амал қилинади. Зеро, таълим жараёни бевосита дидактик мақсад ва вазифалар, дидактик материаллар, дидактик воситалар асосига қурилади. Демак, композицияга оид материаллар асосида таълим мазмунини такомиллаштиришда қуйидаги педагогик талабларга амал қилинади.



1. Ўқув материаллини танлаб олишнинг асосий принциплари. Танлаб олинган ўқув материалли белгиланган меъёрлар асосида талабага илмий ва ўқув билим ҳамда малакаларига оид компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилиши лозим. Илмий материал “Композиция” ўқув фани нуқтаи назаридан композиция қонуниятларига оид жами назарий билимлар, ўқув билимлари эса олий бадий педагогик таълим тизимида талабанинг “Композиция” фанини соҳанинг Давлат таълим стандарти ҳамда ўқув дастури талаблари асосида танлаб олинган ўқув материалларини минимал даражада ўзлаштиришини англатади. Ўз навбатида, ўқув материалларини танлаб олиш принципларига кўра уларнинг ҳар бирининг ўзига хос таркибий компонентлари мавжуд. Бу компонентлар ҳар бир мезон, педагогик талабларнинг барча жиҳатларини эътиборга олишни таъминлайди. Демак, “Композиция” ўқув фани бўйича талабаларнинг илмий ва ўқув билимларини ривожлантириш тўрт асосий компонентдан иборат бўлиб, улар қуйидагиларда ўз аксини топади:

-ўқув фанига оид илмий билимлар, хусусан, “Композиция” ўқув фанига оид қонуниятларнинг тавсифлари, уларни амалий тасвирий-иждодий фаолиятда ўзлаштириш жараёнларининг хусусиятлари;

- “Композиция” ўқув фани мазмунини ўзлаштириш методиксига оид билимлар, яъни композиция қонуниятларини ўзлаштириш имконини берувчи методлар, ёндашувлар ва ҳ.к.;

- “Композиция” фани мазмунини мантиқий англашга асос бўлувчи билимлар мажмуаси. Бунда композицияга оид билимларни ўзлаштириш жараёнини самарали кечишини таъминловчи ҳамда “Композиция” ўқув фани мазмунини очиб берувчи ишланмалар, жараённинг босқичларини ўзаро алоқадорлигини таъминловчи воситалар, ёндашувлар ва ҳ.к.;

-“Композиция” ўқув фанига оид тарихий билимлар (назариялар, қонуниятлар)ни замонавий шароитда амал қилинадиган технологиялар билан ўзлаштириштиришни таъминловчи ўқув материаллари.

“Композиция” ўқув фани материалларини танлаб олишнинг педагогик талаблари бири бири билан алоқадорликдаги компонентлардан ташқари муайян параметрларга ҳам асосланиши лозим. Бу параметрларнинг энг асосийлари сифатида янги билимларни англатувчи атама, тушунчаларнинг сони ва мазмуни; танлаб олинган ўқув материалли мазмунидаги янгилик даражаси, мазкур янгиликни тавсифловчи атамаларнинг ўқув материаллини ўзлаштириш жараёнида қўллаш частотаси (мунтазам қўлланилганлиги боис талабаларнинг хотирасида доимо сақланадими ёки онда-сонда қўлланилганлиги сабали ҳар сафр унинг мазмуни ва моҳиятини қайта-қайта тушунтириш зарурияти мавжудми), янги ҳамда олдиндан қўлланиб келинган тушунча ва атамаларнинг қўлланиши. Бу тавсифлар, биринчи навбатда, “Композиция” ўқув фани мазмунини инновацион технологиялар асосида такомиллаштиришнинг асосий талаблари сифатида қаралиши лозим.

Ўқув материаллини танлаб олишда амал қилинадиган принциплар тизимида тарихийлик ва замонавийлик принциплари алоҳида эътиборга молик. Бу омилни тавсифловчи бир неча омиллар мавжуд. Биринчи омил. Бир қарашда композиция ўқув



фани сифатида кўп асрлардан буён ўқитиб келинади. Шунинг учун унинг қонуниятлари тўла-тўқис ишлаб чиқилган ҳамда тизимда тасвирий санъат қонуниятларининг классик қонуният даражасида умумэътироф этиладиган жиҳатлари мавжуд. Бу омил композиция қонуниятларига ҳеч қандай ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ эмас ҳамда олий бадиий педагогик таълимда уни мазмунини такомиллаштиришга эҳтиёж мавжуд эмас, деган хулоса келиб чиқади.

Иккинчи омил, илм ва фан, техника ва технологияни ривожланиши жамият тараққиётининг замонавий тенденциялари барча жабҳаларда янгича ёндашувларни, инновацион жараёнларни татбиқ этишни тақозо этади. Бу омилга тарихий илмий далилар мавжуд. Хусусан, 19-асрнинг охири, 20-асрнинг бошларида тасвирий санъатда турли оқим ва йўналишларни вужудга келиши композиция яратиш қонуниятларида бир қатор ислохотлар содир бўлишига сабаб бўлди. Бу ислохотлар рассомларнинг композицияларида ранг (масалан, импрессионист ва постимпрессионистлар тажрибаси) ва шакл (масалан, кубизм ва сюрреализм вакиллари ижоди) муносабатларида кўриш мумкин. Худди шунингдек, ўзбекистонлик рассомларнинг композицион фаолиятига оид материаллар ўқув материали сифатида турлича мақомда танлаб олинади. Хусусан, 20-асрнинг 60 – 70-йилларида Ўзбекистон тасвирий санъатида академизм, реалистик тасвирий санъат устуворлик касб этган бўлса, 80-йилларга келиб тарихий анъаналар (Чингиз Аҳмаровнинг 60 – 70-йиллардаги ижодининг мантикий давоми сифатида Жавлон Умарбеков композициялари) композицияларнинг асосий мотивларидан бири сифатида қўлланила бошланди. Замонавий Ўзбекистон тасвирий санъатида фалсафий символизм элементларига оид омилларни қўллаш амалиёти кузатилмоқда. Акмал Нур, Ортиғали Қозоқов, Жамол Усмонов, Файзулла Аҳмадалиев, Бобур Исмоилов каби замондош рассомларнинг композициялари бунга мисол бўлади. Демак, олий бадиий педагогик таълимда “Композиция” ўқув фани мазмунини такомиллаштиришда юқорида тавсифланган омилларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Айниқса, композицияни ўқитиш жараёнида ўқув материалининг инновацион технолдогиялардан фойдаланиш учун мослиги бу борадаги асосий принциплардан бири сифатида қаралади.

2. Ўқув материални танлаб олиш мезонлари. “Композиция” фани бўйича ўқув материални танлаб олишда инновацион ёндашувларга мувофиқлигининг яна бир мезони фанни ўқитиш истиқболига, талаба шахсини ижодий ривожлантиришга йўналтирилганлиги билан боғлиқ бўлиб, бошқа мезонларда бўлганидек, умумий мазмуннинг муҳим компонентларидан бири бўлиши талаб этилади. Шунингдек, янгитдан шакллантирилган мазмун инновацион технологияларни қўллаш учун мос бўлиши билан бирга талабанинг ўқув фанига нисбатан ҳиссий-қадриятли муносабатларини шакллантириш таълим мазмунини такомиллаштиришнинг муҳим педагогик талаблари сирасига киради. Ҳиссий-қадриятли муносабат деганда, аввало, ўқув материални ҳис қилиш, уни ўзлаштириш жараёнидан завқланиш, эгалланган билимни амалий қўллаш орқали қадриятга дахлдор маҳсулот, бизнинг мисолимизда мукаммал композиция яратишга оид компетенцияни шаклланганлиги тушунтирилади. Ҳар қандай ўқув материали, уни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган инновацион технология, биринчи навбатда, субъектнинг физиологик хусусиятларига мувофиқ



тарзда танланади. Масалан, олий педагогик таълимда “Композиция” ўқув фанини ўзлаштираётган талаба тасвирий санъат қонуниятларининг асосий компонентларини ўзлаштирган бўлади. Шунга мувофиқ тарзда ўқув материали ва уни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган методика, технология ва инновацион ёндашув танланади. Демак, бунда, биринчи навбатда, талабанинг ёши ва тайёргарлик даражаси эътиборга олинади.

Яна бир муҳим мезон ҳажм ва вақт ўлчови билан боғлиқ, яъни танлаб олинган ўқув материали ҳажми, шунингдек, ўзлаштириш мураккаблиги нуқтаи назаридан белгиланган вақтга мувофиқ бўлиши, қайсики, муайян ўқув вақтида материал тўлиқ ўзлаштирилиши лозим. Акс ҳола ҳеч қандан инновацион технология ўқув материални тўлиқ ўзлаштириш шароитини тақдим эта олмайди.

3. Ўқув материалларини танлаб олиш методикаси. Ўқув материални танлаб олишда уни оптимал тарзда тақдим этиш энг асосий педагогик талаблардан бири ҳисобланади. Бунда, аввало, таълимнинг мақсади ва вазифалари эътиборга олинади. Мазкур мезонга кўра танлаб олинган материал соҳанинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги билан бир қаторда илмий-назарий асосга эга бўлиши, материал композиция қонуниятларини ўзлаштириш жараёнини, композицияга оид воқелик ва жараёнларнинг мазмуни ва моҳиятини очиб бермоғи, шунингдек, материал барча учун бирдек тушунарли бўлиши лозим. Айни пайтда алоҳида таъкидлаш ўринлики, материалнинг ҳар бир порцияси талабаларда янги билимлар, амалий малакаларни шакллантириш ва ривожлантириши зарур.

Олий педагогик таълимда “Композиция” фани мазмунини инновацион технологиялар асосида такомиллаштиришнинг педагогик талаблари тизимида ўқув материални танлаб олишда бир қатор методик ёндашувларга амал қилинади. Айниқса, талабанинг профессионал тайёргарлиги, бўлажак мутахассислиги билан боғлиқ бўлишига ҳам устувор тарзда аҳамият қаратиш талаб этилади. Бунда ўқув материалнинг асосий ҳамда асосий бўлмаган турлари бўлиб, асосий материаллар Давлат таълим стандарти, ўқув дастурида белгиланган билимлар ҳажми назарда тутилса, қўшимча материал сифатида асосийни самарали ўзлаштиришни, билим олиш жараёнининг қизиқарлироқ бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Жумладан, у ёки бу рассомнинг композиция яратиш борасидаги тажрибаси, таниқли рассомларнинг машхур асарлари композициясини яратилишига оид тарихий-фактологик ҳамда иллюстратив материаллар шулар жумласидандир. Бироқ улар бир-бирини инкор этиши, қандайдир жавоби йўқ саволлар юзага келишига сабаб бўлмаслиги керак. Шу маънода асосий ва қўшимча материалларнинг оптимал нисбатига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Илмий тилда тавсифлаганда, асосий ва қўшимча материаллар ягона мазмун, яхлит структурага бўйсунishi керак. Акс ҳолда талабанинг композиция юзасидан ҳам назарий билим, ҳам амалий малакасини ривожлантиришга қаратилган таълимий муҳит таъминланмайди. Шунингдек, бу омиллар “Композиция” фани мазмунини такомиллаштиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш учун қулай муҳит таъминланмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

“Композиция” га оид ўқув материални инновацион технология асосида тақдим этиш ва таълимий жараёни такомиллаштиришни таъминловчи мезонлар тизимида ўқув



материалини танлаб олишда бу жараёнга мувофиқ методика билан ҳам боғлиқ. Унда куйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади:

- ҳар бир фаннинг Давлат таълим стандарти ҳамда ўқув дастурида белгиланган мақсад ва вазифалари бўлади. Шу боис ўқув материали шу мақсад ва вазифаларни бажарилишини таъминлашга йўналтирилади. Қўлланиладиган инновацион технологиялар эса мақсад ва вазифаларни оптимал тарзда, тез ва осон ўзлаштирилишини таъминлашга йўналтирилади;

- ўқув материалини танлаб олишда қўлланиладиган методик ёндашув асосий ва иккинчи даражали материалларни классификациялашни назарда тутиши лозим. Бу омил, айниқса, “Композиция” сингари специфик фанлар учун алоҳида аҳамият касб этади;

- ўқув материаллар мазмунида соҳага оид илмий маълумотларнинг мавжудлиги, айти пайтда бошқа меъёрий талаблар, масалан, вақт ва ҳажмга оид мезон билан мувофиқлиги, илмий маълумотлар фанни, бизнинг мисолимизда “Композиция” ўқув фанининг мазмуни ва моҳиятини очиб беришга хизмат қилиши керак. Зеро, ҳар бир илмий маълумот композициянинг у ёки бу қонуниятини тавсифловчи назария, тушунчадан ташкил топади;

- танлаб олинган ўқув материали инновацион технологияни қўллашга мослиги билан бир қаторда талаба учун тушунарли бўлиши, айти пайтда жуда ҳам осон бўлмаслиги зарур. Акс ҳолда ўқув жараёнида пародаксал ҳолат юзага келади: ўта мураккаб материал ўзлаштириш мураккаблиги учун англамай қолинади, ҳаддан зиёд содда материал ўзлаштириш учун айтарли қизиқиш уйғотмайди. Натижада ўқув жараёнининг натижавийлиги самарасиз яқун топади;

- назарий ҳамда амалий мазмундаги материалларнинг оптимал нисбатини таъминлаш ўқув материалини осон, сифатли ўзлаштиришнинг муҳим шартларидан биридир. Шу маънода “Композиция” фанини ўқитишда назарий илмий маълумот (материал)ларни бошқа турдаги материаллар, биринчи навбатда, амалий мазмундаги материаллар (ўқитувчининг педагогик расми, яъни чизиб кўрсатиши, намоиш қилинадиган иллюстратив материаллар, қўлланиладиган ўқув таблицалари, электрон ресурслар, жумладан, анимацион материаллар ва ҳ.к.) ўзаро мувофиқ тарзда қўлланиши тасвирий санъат таълимининг сифат ва самарадорлигини таъминлашнинг асосий шартларидан биридир;

- ва ниҳоят, танлаб олиннадиган ўқув материалнинг таълимий муҳитнинг имкониятларига мувофиқлиги. Бу ерда, аввало, ўқув хонаси ва уни жиҳозланиши назарда тутилмоқда. Масалан, ўқитувчи композициянинг бирор бир қонуниятини компьютер технологияларини, хусусан, анимацион жараёнларни тақдим этувчи технологияларни қўллаши учун шунга яраша моддий-техника таъминоти бўлиши лозим.

“Композиция” ўқув фани мазмунини инновацион технологиялар асосида такомиллаштиришнинг муҳим педагогик шартларидан бири – замонавий таълимнинг муҳим дидактик воситаларидан бири анимацион электрон ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ. Тасвирий санъат таълими соҳасида, айниқса, бу муҳим аҳамият касб этади. Айти пайтда эътироф этиш шринлики, юқорида тавсифланган принцип ва



мезонлар “Композиция” ўқув фани мазмунини ягона мақсадга йўналтирилган педагогик механизм асосида такомиллаштирилиши лозим. Акс ҳолда ҳар бири хос функция бажариши натижасида яхлит педагогик жараён таъминланмайди. Ягона мақсаднинг муҳим вазифалари сифатида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади:

- такомиллаштирилган таълим мазмуни ва унда қўлланилаётган инновацион технологиялар, аввало, талабаларда образли бадий тафаккурни ривожлантиришга, бадий тафаккурнинг муҳим таркибий компонентлари – ижрочилик компетенциялари, яъни тасвирий санъат қонуниятларидан саводли тарзда фойдаланган ҳолда дастлабки вариантларни таҳлил қилиш асосида якуний ва мантиқий композицион ечим топишга оид назарий билим ҳамда амалий малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш;
- талабаларда бадий-эстетик идрокка оид компетенцияларни ривожлантириш воситасида атроф-муҳитдаги воқеа ва ҳодисалар, объект ва буюмларни кузатиш, мақсадли ўрганиш, таҳлил қилиш компетенцияларини такомиллаштириш орқали уларда бадий-интеллектуал салоҳият даражасини ошириш;
- бўлажак мутахассислик нуқтаи назаридан талабаларда мустақил тарзда билим олиш мотивларини юзага келтирувчи таълимий муҳитни яратиш;
- кўпгина санъат соҳаларида бўлгани каби тасвирий санъатда ҳам индивидуал ижо манераси, стили, композиция яратишнинг индивидуал хусусиятларини шакллантириш;га дифференциал ёндашувни қўллаш ва ҳ.к.

Юқорида келтирилган омилларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, муайян фан мазмунини, хусусан, олий бадий педагогик таълимда “Композиция” ўқув фани мазмунини такомиллаштиришда тарихийлик ва замонавийлик, тарихий тажриба, анъана ва таълимий қадрият билан замонавий таълимий тенденциялар, миллий ва умуминсоний таълимий тажриба ва қадриятлар, илм-фан тараққиётининг турдош соҳа таълим мазмунига узвий тарзда татбиқ этиб бориш кабилар дидактиканинг тарихийлик ва замонавийлик, интеграцияга асосланган таълим принциплари асосига қурилиши лозим. Барча ҳолатларда ўқув материални танлаб олишнинг умудидактик принциплари устувор тарзда амал қилади. Яна бир муҳим принцип, таълим мазмунини пухта эгаллашнинг муҳим шартларидан бири фундаментализация – гуманитар, табиий-илмий ва махсус илмларни интеграциялаш орқали композицияни ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш имкониятини ошириш орқали бадий таълим мазмунини бойитиб бориш мумкин.